

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

САЛОМОВ БОХОДИР САЛОМОВИЧ

**САРИМСОҚ СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ МАНБА ЯРАТИШ
ВА УРУҒЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Саломов Боходир Саломович

Саримсоқ селекцияси учун бошланғич манба яратиш ва уруғчилик технологиясини такомиллаштириш 3

Саломов Боходир Саломович

Создание исходного материала для селекции и совершенствование технологии семеноводства чеснока..... 19

Salomov Bokhodir Salomovich

Creation of source material for the selection and improvement of garlic seed technology 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 36

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

САЛОМОВ БОХОДИР САЛОМОВИЧ

**САРИМСОҚ СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ МАНБА ЯРАТИШ
ВА УРУҒЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx22 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий тажриба станциясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арамов Музаффар Хошимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Буриев Хасан Чутбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Рустамов Абдумалик Сагтарович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 537959 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, қ.х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида саримсоқ инсонлар учун шифобахш ўсимлик сифатида етиштирилувчи қадимий экин тури ҳисобланади. Саримсоқ (*Allium sativum* L.) пиёздошлар оиласига мансуб бўлиб, ватани Марказий Осиё ҳисобланади. Саримсоқнинг маданийлаштирилганига 6 минг йилдан ошган. Бугунги кунда дунё бўйича саримсоқ жами 1,438 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача ҳосилдорлик 16,9 т/га, ялпи ҳосил эса 24,3 млн. тоннани ташкил этади. Энг кўп саримсоқ етиштирадиган давлатлар Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Миср ҳисобланади. Энг юқори ҳосилдорлик эса Миср (25,2 т/га), Хитой (24,7 т/га) ва Тожикистон (20,0 т/га) мамлакатларида қайд этилган¹.

Ҳозирги кунда дунёнинг қатор мамлакатлари илмий-тадқиқот марказлари олимлари саримсоқ (*Allium sativum* L.)нинг янги навларини яратиш устида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу мамлакатларда саримсоқнинг янги навлари яратилиб, етиштириш технологиялари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда. Хориж олимлари саримсоқнинг касалликларга ва об-ҳаво ноқулайликларига чидамли, юқори ҳосилли, эртапишар, қимматли витаминларга бой бўлган, шу билан бирга баҳорги ва қишки навларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ушбу экиннинг янги навларини яратиш ҳамда етиштириш ва уруғчилик технологиясини такомиллаштириш йўналишдаги тадқиқотлар муҳим аҳамиятни касб этади.

Мамлакатимизда бугунги кунда сабзаёт экинларининг турларини кўпайтириш, жумладан, саримсоқнинг юқори ҳосилли янги навларини яратиш ва уларнинг элита уруғчилик технологиясини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари 4.2 бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, соғлом овқатланишга оид вазифалар белгиланган². Ушбу вазифаларни амалга оширишда сабзаёт экинлари турларини интродукция орқали кенгайтириш, етиштирилган маҳсулотлар сифатини ошириш муҳим аҳамиятни касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги ПҚ-2505-сон «2016-2020 йилларда хом ашё базасини янада ривожлантириш, мева-сабзаёт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспортини ошириш бўйича чоратадбирлари тўғрисида» ги қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон

¹ Овощеводство в мире: производство основных овощных культур тенденция развития за 1993-2013 годы по данным FAO. «Овощи России» М., 2015.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонининг 3.3 Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саримсоқ нав намуналари тўпламини ўрганиш, селекция учун бошланғич манба яратиш ва уруғчилик технологиясини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Мексика, Канада, Болгария, Россия ва Қозоғистон каби мамлакатларда F. Delgadillo-Sanchez, A. Heredia-Zepeda, A. Khar, V. Devi Asha, Mahajan, Lawande K.E Kambiz Baghalian, Mohammad Reza Naghavi, E. Martinez Gustavo, А.Казакова, А.Ф.Агафонов, Л.И.Герасимова, Ю.В. Абрахина, П.Ф.Кононков, И.О.Июфина, И.И.Ершов, С.К.Темирбекова, Т.Е. Айтбаев, В.К.Красавина, В.О.Алпысбаева, Г.М.Ибрагимова ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Республикаимиз марказий худудларида Ғ.Ғ. Ходжаев, Н.С. Бакурас томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бундан ташқари Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Сурхондарё илмий тажриба станциясида саримсоқнинг янги намуналарини яратиш бўйича селекция ишлари олиб борилган. Бироқ саримсоқнинг пиёзбошлари катта, пиёзчалар сони кам, сақлашга яроқли навларини яратиш ва элита уруғчилигида мақбул экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқотлар режасининг КХА-8-035 «Ўзбекистон жанубида сабзавот экинларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли юқори ҳосилли нав ва биринчи авлод дурагайларини яратиш ва уруғчилик технологияси элементларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.); КХА-8-029-2015 «Сабзавот экинларининг касаллик, зараркунандаларга, иссиққа чидамли, юқори ҳосилли янги нав ва дурагайларини яратиш ва бирламчи уруғчилигини ташкил этиш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади селекция жараёни учун бошланғич манба яратиш, истиқболли клонларни ажратиш, уларни танлов синовидан ўтказиш ва Давлат нав синаш комиссиясига топшириш, сифатли уруғлик этиштириш учун саримсоқни мақбул экиш муддатлари ва озикланиш майдонини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саримсоқ нав намуналар тўпламлари асосида селекция ишлари учун

бошланғич манба яратиш;

пиёзбош ва пиёзчалари катта ва товарбоп бўлган истиқболли клонларни ажратиш;

пиёздошлар оиласига мансуб интродукция қилинган янги сабзаёт экини - рокамбольнинг хўжалик қимматли белгиларини аниқлаш;

сифатли уруғлик етиштириш учун саримсоқни мақбул экиш муддатлари ва озикланиш майдонини аниқлаш;

яратилган нав ва клонларнинг, ҳамда такомиллаштирилган уруғчилик технологияси элементларининг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида саримсоқнинг (*Allium sativum* L.) 27 та нав намуналар тўплами, 400 дан ортиқ клонлари, Ўзбекистон худудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган саримсоқнинг Южно-фиолетовый ва Чидамли нави ўсимликлари, пиёзбошлари ва пиёзчалари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети саримсоқнинг нав намуналар тўпламини хўжалик биологик хусусиятларини ўрганиш ва истиқболли нав намуналари, клонларни ажратиш, саримсоқ янги навларини яратиш ва Давлат нав синаш комиссиясига топшириш, саримсоқ уруғчилигида бешта озикланиш майдони ва тўртта экиш муддатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида қуйидаги услуб ва услубий кўрсатмалар асосида олиб борилди. «Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат нав синаш услуби», «ОСТ- 4671 – 78», «Сабзаёт экинларини экологик синовни бўйича услубий кўрсатма»сида келтирилган услублар бўйича ўтказилган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А. Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитида интродукция қилинган пиёздошлар оиласига мансуб сабзаёт экини рокамбольнинг (*Allium scorodoprasum* L.) қимматли хўжалик белгилари аниқланган;

саримсоқ (*Allium sativum* L.) нав намуналарининг юқори ҳосилли, пиёзбош ва пиёзчалари катта бўлган истиқболли намуналари бошланғич манба сифатида ажратилган;

турли экиш муддатлари ва схемаларида саримсоқ ўсимлиги қимматли хўжалик белгиларининг намоён бўлиши исботланган;

саримсоқнинг элита уруғчилик технологияси элементларининг мақбул экиш муддатлари ва схемалари такомиллаштирилган;

саримсоқнинг қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган янги «Чидамли» нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саримсоқ нав намуналар тўпламини ўрганиш асосида пиёзбошлари катта, серҳосил, хўжалик-биологик хусусиятлари республикамиз иқлим шароитига мос навларини яратиш учун қимматли бошланғич манба ажратилган;

селекция учун бошланғич манба сифатида янги сабзаёт экини – рокамбольнинг Ўзбекистон шароитида хўжалик қимматли белгилари ўрганилган;

ўртапишар, сақлашга яроқли К-81 ва пиёзбоши катта (75 г), К-89, К-96 каби клонлари яратилган;

саримсоқдан сифатли уруғлик етиштириш учун пиёзчаларни мақбул экиш муддатлари ва озикланиш майдони аниқланган;

хаммуаллифликда саримсоқнинг Чидамли нави яратилган ва 2015 йилдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тажрибаларнинг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги, илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги, тажриба натижаларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рўйхатига кирган илмий наشرларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саримсоқ нав намуналари тўплами ҳар томонлама ўрганилганлиги, селекция ишлари учун истиқболли нав намуналари ва клонлар ажратилганлиги ва янги навлар яратилганлиги, элита уруғчилигини ташкил этишда мақбул экиш муддати ва схемаси аниқланганлиги, янги сабзаёт экини рокамбольни қимматли хўжалик биологик белгиларининг намоён бўлишини аниқланганлиги билан исботланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти саримсоқнинг Чидамли нави яратилганлиги ва К-89, К-96 клонларининг танлов синови ташкил этилиб, 2019 йилдан қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига топширишга тайёрланганлиги, саримсоқ элита уруғчилигида ўсимликларни мақбул экиш муддатлари ва экиш схемаларининг ишлаб чиқилганлиги, селекция учун бошланғич манба сифатида янги сабзаёт экини рокамбольни интродукция қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саримсоқ селекцияси учун бошланғич манба яратиш ва уруғчилик технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

саримсоқнинг янги «Чидамли» нави Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига 2015 йилдан киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2018 йил 30 майдаги № 53/4-314-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур нав Сурхондарё вилоятининг дехқон ва фермер хўжаликларида йилига 65-70 гектар майдонга экилиб, ундан юқори ва сифатли саримсоқ ҳосили олишга эришилган;

саримсоқнинг мақбул экиш схемаси яъни (40+10+10+10) x 10 см қатор

оралиғида Андижон вилояти Андижон туманидаги «Экоклин-Анд», «Ойдинбулоқ меваси», «Даврбек Дурбек», «Авазхон», «Бекзод» сабзавотчилик фермер хўжаликларида жами 16,5 гектар, Сирдарё вилоятидаги «Юзчинор», «Дурдона Чарос», «Шаров Гранд сервис», «Севара улкан нияти», «Ойсара Ўғилой хамкор», «Кумуш дала кудрати», «Ражабовлар авлоди», «Ерга мадад», «Сохил сеҳри», «Сохил мўжизаси», «Гулмурод Мухайё хамкор», «Қурбонов Тоиржон» сабзавотчилик фермер хўжаликларида жами 103,5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 22 ноябрдаги 03/029-207-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида бир гектар майдондан олинган ўртача ҳосилдорлик 23-25 тоннани ташкил этган;

саримсоқнинг мақбул экиш муддатлари яъни сентябрнинг биринчи ўн кунлиги ва схемалари (40+10+10) x 10, (40+15+15) x 10 см қатор оралиғида экиш технологияси Сурхондарё вилояти Термиз, Ангор, Жарқўрғон, Денов ва Қумқўрғон туманларидаги кўп тармоқли фермер хўжаликларида жами 78 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 22 ноябрдаги 03/029-207-сонли маълумотномаси). Натижада ҳар бир гектар майдондан олинган ўртача ҳосилдорлик ошишига эришилган ва рентабеллик даражаси 25-35 фоизга тенг бўлишга имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясини докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан биттаси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация ҳажми 104 бетдан иборат бўлиб, у кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида саримсоқнинг келиб чиқиши, тарқалиши, морфологик ва биологик хусусиятлари, бошланғич манбани ўрганиш, унинг янги навлари ва ушбу

экин селекциясининг ўзига хос хусусиятлари, саримсоқ ўсимлигининг экиш муддатлари ва схемаларига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритилган. Мавзуга оид дунёда ва республикада бажарилаётган ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида хулосалар келтирилган. Мавжуд маълумотларга таяниб, диссертация олдида қўйилган мақсад ва вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар объекти, услуги ва шароитлари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг об-ҳаво шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари ва олиб борилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Диссертациянинг «Саримсоқ селекцияси: бошланғич манба, истиқболли клонлар ва навлар» деб номланган учинчи бобининг «Саримсоқ нав намуналар тўпламини ўрганиш ва селекция учун бошланғич манба яратиш» бўлимида саримсоқнинг 27 та нав намуналар тўпламини ўрганиш натижалари келтирилган. Ўрганилган нав намуналарининг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати жиҳатидан ҳар хил эканлиги маълум бўлди.

Энг юқори умумий ҳосилдорлик К-16, К-17, К-18, К-21, К-23, К-25, К-26, К-27 нав намуналарида кузатилди ва у 30,2-33,4 т/га ни ташкил этди.

Россия Федерациясидан келтирилган кўпчилик нав намуналарининг умумий ҳосилдорлик жуда паст бўлиб, 17,6- 25,5 т/га ни ташкил этди. Бу қиёсий навга нисбатан 66,4- 96,2% ни ташкил этади. Ушбу нав намуналарида товарбоп ҳосил паст бўлди ва у 7,6-19,4 т/га ёки умумий ҳосилнинг 41,3-76,0% ни ташкил этди.

Пиёзбош вазни К-16 (72 г), К-17 (72 г), К-18 (72 г), К-23 (72 г), К-25 (78 г), К-26 (77 г) каби нав намуналарида юқори бўлди. Ушбу нав намуналарининг пиёзбош вазни қиёсий навга (60 г) нисбатан 12-18 г га юқори бўлди. Ушбу нав намуналари кейинги селекция ишларида қимматли бошланғич манба бўлиб ҳисобланади.

Истиқболли К-81 нав намунаси нисбатан кечпишар бўлиб, ўсув даври 246 кунни ташкил этади. Пиёзбош вазни 63 г, пиёзчалар сони 13 та, пиёзчалар вазни эса 4,6 г. Ҳосилдорлиги 24,2 т/га ни ташкил этади. Пиёзбошлари уй хароратида сақланиши ўрганилганда, улар келгуси йилнинг феврал-март ойларигача яхши сақланиши кузатилди. Амалда етиштирилаётган маҳаллий саримсоқ пиёзбошлари сентябр-октябр ойларидаёқ тўлиқ униб чиқади ва нотовар ҳолга келади.

Учинчи бобнинг «Рокамболь (*Allium scorodoprasum* L.) пиёздошлар оиласига мансуб–янги сабзаёт экини» деб номланган бўлимида интродукция қилинган янги сабзаёт экини рокамбольнинг ўрганиш натижалари келтирилган.

Саримсоқ селекцияси учун бошланғич манба яратиш мақсадида маҳаллий нав намуналарини ўрганиш жараёнида пиёзбоши катта, ўртача вазни 72-150 г, пиёзчалар сони 5-6 та бўлган нав намунаси ажратилди. Ушбу нав намунаси барглари энли, илдиз қисмида ва пиёзчалари орасида қўшимча

кичик пиёзчалар ҳосил қилиши ҳам кузатилди ва бу Ўзбекистон шароитида янги сабзаёт экини рокамболь эканлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизда рокамболь саримсоқнинг Чидамли нави билан таққослаб ўрганилди. Ўсув даври, яъни пиёзчалар униб чиққандан пиёзбошларнинг техник пишиб етилишигача Чидамли навида 221 кунни, рокамбольда эса 242 кунни ташкил этди, яъни рокамболь 21 кун кеч пишиб етилди.

Бу иккала экин ўртасидаги фарқ пиёзбош вазни, пиёзчалар сони ва уларнинг ўлчамларида жуда яққол кўзга ташланади. Рокамбольда пиёзбош баландлиги 4,9 см ни, диаметри эса 6,2 см ни ташкил этди ва бу саримсоққа нисбатан мувофиқ равишда 0,6 ва 1,0 см га кўп демакдир. Рокамболь пиёзбош вазни ўртача 106 г ни ташкил этди ва саримсоққа нисбатан 44 г га кўп бўлди.

Тадқиқотларимизда саримсоқ ва рокамбольнинг ҳосилдорлиги, ҳосил сифати жиҳатидан турли-туман эканлиги маълум бўлди.

Саримсоқда ҳосилдорлик 27,0 т/га ни ташкил этган бўлса, рокамбольда ушбу кўрсаткич 44,0 т/га етди.

Энг юқори товарбоп ҳосилдорлик ҳам рокамбольда кузатилди ва 44 т/га ни ташкил этди. Рокамболь саримсоққа нисбатан 17,0 т/га ёки 63,0% га юқори ҳосил берди (1-жадвал).

1-жадвал

Саримсоқ ва рокамболь навларининг ҳосилдорлиги (2014-2018 йй.)

Нав намуналар номи	Ҳосилдорлик, т/га					
	умумий	қиёсий навга нисбатан, %	товарбоп	умумий ҳосилга нисбатан, %	ностандарт, товарбоп, т/га	умумий ҳосилга нисбатан, %
Чидамли, қиёсий нав	27,0	100	25,2	93,3	1,8	0,7
Рокамболь К-24	44,0	163,0	44,0	100,0	-	-
ЭКТФ 05 т/га	0,51					
Sx, %	0,25					

Энг юқори рентабеллик даражаси рокамбольда кузатилди. Ушбу кўрсаткич рокамбольда 158,7% ни, саримсоқда эса 90,1% ни ташкил этди.

Ушбу бобнинг «Истикболли клонларни ўрганиш» деб номланган учинчи бўлимида саримсоқ истикболли клонларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Тадқиқотларимизда маҳаллий ва чет эллардан келтирилган навлардан танлаб олинган 400 дан ортиқ клонлар ўрганилди ва баҳоланди.

Ёппасига униб чиқишдан пиёзбошларнинг техник пишишигача бўлган давр ёки ўсув даври клонларда 223-224 кунни ташкил этди.

Пиёзбош вази бўйича клонлар уч гуруҳга ажратилди:

биринчи гуруҳга пиёзбош вази 60 г гача бўлган клонлар (55,5%);

иккинчи гуруҳга пиёзбош вази 60-70 г бўлган клонлар (40,1%);

учинчи гуруҳга пиёзбош вази 71-72 г бўлган клонлар (4,4%) киритилди.

Иккинчи ва учинчи гуруҳга киритилган клонлар селекция учун қимматли манба бўлиб ҳисобланади.

Пиёзчаларнинг ўртача вази бўйича шартли равишда 3 гуруҳга бўлди:

биринчи гуруҳга пиёзчаларнинг ўртача вази 3,4-4,5 г;

иккинчи гуруҳга пиёзчаларнинг ўртача вази 4,5-5,0 г;


учинчи гуруҳга эса пиёзчалар вази 5,0-6,3 г бўлган клонлар киритилди.

Келтирилган маълумотлардан пиёзчалар вазини оширишга қаратилган танлаш ишлари анчагина самарали бўлганлиги кўриниб турибди. Айнан, ана шу иккинчи ва учинчи гуруҳга кирадиган клонлар истиқболли бўлиб ҳисобланади.

Бундай клонларга К-12, К-18, К-21, К-22, К-25, К-41, К-44, К-46, К-47, К-51, К-58, К-60, К-63, К-67, К-68, К-70, К-75, К-76, К-78, К-84, К-88, К-89, К-92, К-93, К-94, К-96, К-97, К-99, К-106, К-111, К-113, К-115 кабилар киритилди. Ушбу клонларда пиёзбош вази ҳам юқори бўлиб, 60-72 г ни ташкил этди.

Учинчи бобнинг «Истиқболли клонларнинг танлов синови» деб номланган тўртинчи бўлимида истиқболли клонларнинг танлов синови натижалари келтирилган.

Тадқиқотларимиздаги К-89, К-96 клонларида пиёзбош вази юқори бўлди. Қиёсий навда пиёзбош вази 67 г ни, К-89, К-96 клонларида 75 г ни ташкил этиб, қиёсий навга нисбатан 8 г га юқори бўлди (1-расм).




1-расм. Танлов синовидаги саримсоқ клонларининг пиёзбош ва пиёзчалар вази, г (2016-2018 йй.)

Битта пиёзчанинг ўртача вазни эса қиёсий нав ва К-88 клонида 4,5 - 4,8 г ни, К-89, К-96 клонларида эса 5,5 г ни ташкил этди.

Ўрганилган истиқболли клонларнинг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати жиҳатидан турлича эканлиги маълум бўлди. Масалан, Чидамли нави ва К-88 клонларида умумий ҳосилдорлик 25,3-26,6 т/га ни ташкил этган бўлса К-89 К-96 клонларида ушбу кўрсаткич 28,7-29,5 т/га етди (2-расм).

Энг юқори умумий ҳосилдорлик К-89, К-96 клонларида кузатилди. К-88 клонининг ҳосилдорлиги қиёсий навга нисбатан 95,1% ни ташкил этди. К-89, К-96 клонларининг умумий ҳосилдорлиги қиёсий навдан 7,9 -10,9% га юқори бўлди.



2-расм. Танлов синовидаги саримсоқ клонларининг ҳосилдорлиги (2016-2018 йй.)

Энг юқори рентабеллик даражаси К-89 ва К-96 клонларида кузатилди ва у 98,1 - 101,8% ни ташкил этди.

Диссертациянинг тўртинчи «Саримсоқ элита уруғчилиги технологиясини такомиллаштириш» бобининг «Саримсоқ уруғлик ўсимликларини мақбул экиш муддатларини аниқлаш» бўлимида саримсоқни ҳар хил муддатларда экиш натижалари келтирилган.

Саримсоқ уруғчилигида ҳосилдорликни белгилайдиган муҳим омиллардан бири ўсимликни мақбул экиш муддатлари ҳисобланади. Юқори ва кафолатланган ҳосил олишга қаратилган агротехник тадбирлар мажмуасида саримсоқни мақбул экиш муддатларини аниқлаш жуда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Давлат реестрига киритилган Чидамли нави элита уруғчилигини ташкил этиш мақсадида саримсоқни мақбул экиш муддатларини аниқлаш учун пиёзчалар 2013-2015 йилларда тўртта муддатда 1. 09, 10. 09, 20. 09 (назорат), 30. 09 экиб ўрганилди.


Экиш муддатлари саримсоқ ўсимлиги ривожланиш фазаларининг ва ўсув даврининг давомийлигига сезиларли даражада таъсир этди.

Ўсув даври биринчи ва иккинчи муддатларда 227- 230 кунни ташкил этди. Ушбу давр биринчи муддатга нисбатан назорат, яъни учинчи муддатда 6 кунга, тўртинчи муддатда эса 14 кунга қискарди.

Экиш муддатлари пиёзбош баландлиги, диаметри, пировардида пиёзбош вазнига ҳам сезиларли даражада таъсир этди. Биринчи ва иккинчи муддатларда пиёзбош баландлиги 3,7-3,9 см ни, назорат ва тўртинчи муддатларда эса 3,5-3,6 см ни ташкил этди. Худди шундай ҳолат пиёзбош диаметрида ҳам кузатилди. Биринчи ва иккинчи муддатларда пиёзбош баландлиги 5,2-5,4 см ни, назорат ва тўртинчи муддатларда эса 4,9-5,0 см ни ташкил этди.

Энг катта пиёзбошлар биринчи ва иккинчи муддат ўсимликларида ҳосил бўлди ва уларнинг ўртача вазни 55-59 г ни, назорат ва тўртинчи муддат ўсимликларида пиёзбош вазни эса 48-51 г ни ташкил этди.

Энг юқори ҳосилдорлик биринчи ва иккинчи муддатларда кузатилди ва умумий ҳосилдорлик 24,3-25,4 т/га ни ташкил этди. Бу назорат - учинчи муддатга нисбатан 3,8-8,5% га кўп демакдир (3-расм).



3-расм. Экиш муддатларининг саримсоқ ҳосилдорлигига таъсири, (2012-2015 йй.)

Ушбу кўрсаткич тўртинчи муддатда 22,6 т/га ни ташкил этиб, бу назоратга нисбатан 3,5% га кам бўлгани қайд этилди.

Тадқиқотлар натижасида саримсоқ ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва юқори, сифатли ҳосил бериши учун энг яхши шарт-шароитлар биринчи ва иккинчи муддатда, яъни пиёзчалар 1-10-сентябрда экилганда бўлиши аниқланди.

Энг юқори рентабеллик даражаси ҳам 1-10-сентябрда муддатларда кузатилди ва у 76,1-81,7% ни ташкил этди.

Тўртинчи бобнинг «Элита уруғчилигини ташкил этишда саримсоқнинг мақбул озикланиш майдонини аниқлаш» бўлимида саримсоқ уруғлик ўсимликларининг мақбул озикланиш майдонини аниқлаш натижалари келтирилган.

Саримсоқнинг элита уруғчилигини ташкил этишда ўсимликларнинг мақбул озикланиш майдонини аниқлаш учун Чидамли нави пиёзчалари қуйидаги 5 та схемада экилди (2-жадвал).

2-жадвал

Саримсоқ пиёзчалари қуйидаги экиш схемаларида ўрганилди (2012-2015 йй.)

Вариант-лар	Экиш схемаси		1 га майдондаги ўсимлик сони	Битта ўсимликнинг озикланиш майдони, см ²
I	пушта устига икки қатор	(50+20) x 8 см	357142	0.028
II	пушта устига уч қатор	(40+15+15) x 8 см (назорат)	555600	0.018
III	пушта устига тўрт қатор	(40+10+10+10) x 8 см	714200	0.014
IV	пушта устига уч қатор	(40+15+15) x 10 см	434780	0.023
V	пушта устига тўрт қатор	(40+10+10+10) x 10 см	588235	0.017

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики экиш схемалари саримсоқ ривожланиш фазаларининг муддатларига ва давомийлигига, ўсув даврига таъсир кўрсатмайди.

Озикланиш майдони қисқарган сари пиёзбошлар ва пиёзчалар вазни камайиб бориши яққол кўзга ташланди.


Озикланиш майдони қисқарган сари саримсоқ ҳосилдорлиги оша борди. Энг катта озикланиш майдонига эга бўлган биринчи вариантда умумий ҳосилдорлик 19,4 т/га ни ташкил этди.

Иккинчи - назорат вариантыда бу кўрсаткич 22,1 т/га ни ва учинчи вариантда 24,5 т/га ни ташкил этди.

Тўртинчи вариантда, яъни (40+15+15) x 10 см схемада экилганда ҳосилдорлик 24,4 т/га ни, бешинчи вариантда, (40+10+10+10) x 10 см схемада экилганда бу кўрсаткич 26,2 т/га ни ташкил этди.

Назорат, иккинчи вариантга нисбатан учинчи, тўртинчи ва бешинчи

вариантларда ҳосилдорлик мувофиқ равишда 2,3, 2,4, 4,1 т/га кўп бўлди (4 расм).



4-расм. Экиш схемасининг саримсоқ ҳосилдорлигига таъсири (2012-2015 йй.)

Тадқиқотлар натижасида саримсоқ элита уруғчилигини ташкил этишда пиёзчаларни экиш учун (40+15+15) x 10 см, (40+10+10+10) x 10 см схемаларда экиш энг мақбул деб топилди. Айнан шу экиш схемаларида катта ва сифатли пиёзбошлар ва пиёзчалар олинди. Ҳосилдорлик 24,4-26,2 т/га ни ташкил этди, пиёзбошнинг ўртача вазни 63- 66 г ни, пиёзчалар сони 13,0 дона, пиёзчаларнинг ўртача вазни эса 4,5- 4,6 г ни ташкил этди.

Энг юқори рентабеллик даражаси (40+15+15) x 10 см ва (40+10+10+10) x 10 см вариантларида кузатилди ва у 77,1-86,2% ни ташкил этди. Соф даромад ҳам айнан шу схемаларда кузатилиб 10624 ва 12127 минг сўм/га ни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор мамлакатимизда саримсоқ нав намуналар тўплами ўрганилиб, республикамиз иқлим шароитига мос, пиёзбошлари катта, истиқболли бўлган К-16, К-17, К-18, К-21, К-23, К-25, К-26, К-27 нав намуналари танлаб олинди. Ушбу нав намуналарида умумий ҳосилдорлик 30,2-33,4 т/га ни ташкил этди ва бу қиёсий навга нисбатан 3,7-6,9 т/га ёки 13,9-26,0% кўп демакдир. Ушбу нав намуналари Ўзбекистон шароитида саримсоқ янги навларини яратишда қимматли бошланғич манба бўлиб ҳисобланади.

2. Тадқиқотлар натижасида ўртапишар, пиёзбошлари жуда яхши сақланадиган К-81 нав намунаси ажратилди. Ушбу нав намунаси қиёсий

Южно-фиолетовый ва етиштирилаётган бошқа маҳаллий навлардан 20-27 кунга кеч пишиб етилади, пиёзбоши уй шароитида яхши сақланади, пиёзбош вазни 63 г, пиёзчалар сони 13 дона, пиёзчалар ўртача вазни 4,6 г. Ушбу нав намунаси ҳосилдорлиги 24,2 т/га ни ташкил қилади.

3. Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон шароитида янги бўлган сабзаёт экини рокамболь ажратилди, унинг морфобиологик хусусиятлари ўрганилди ва ботаник тавсифланди. Солиштириб ўрганилганда саримсоқ Чидамли навида ҳосилдорлик 27,0 т/га ни ташкил этган бўлса, рокамбольда ушбу кўрсаткич 44,0 т/га етди. Рокамболь саримсоққа нисбатан 63% юқори ҳосил берди ва ҳосил 100% товарбоп ҳисобланади.

4. 2013-2015 йилларда маҳаллий ва чет элдан келтирилган навлардан танлаб олинган 400 дан ортиқ клонлар ўрганилди ва баҳоланди. Тадқиқотларимизда пиёзбош ва пиёзчалар вазнини оширишга қаратилган танлаш ишлари анчагина самарали бўлганлигини кузатилди.

Селекцион боғчада олиб борилган тадқиқотлар натижасида истиқболли, пиёзбош вазни юқори бўлган клонлар яратилди. Бундай клонларга К-12, К-18, К-21, К-22, К-25, К-41, К-44, К-46, К-47, К-51, К-58, К-60, К-63, К-67, К-68, К-70, К-75, К-76, К-78, К-84, К-88, К-89, К-92, К-93, К-94, К-96, К-97, К-99, К-106, К-111, К-113, К-115 кабилар киритилди. Ушбу клонларда пиёзбош вазни ҳам юқори бўлиб, 60-72 г ни ташкил этди.

5. Танлов синови натижаларига кўра муҳим хўжалик белгилари, умумий ва товарбоп ҳосилдорлиги бўйича К-89 ва К-96 клонлари истиқболли деб топилди. Ушбу клонларда умумий ҳосилдорлик 28,7-29,5 т/га ни ташкил этди ва назорат Чидамли навида нисбатан 2,1-2,9 т/га ёки 7,9-10,9% юқори ҳосил олинди. Пиёзбошнинг ўртача вазни 75 г, пиёзчаларнинг ўртача вазни 5,5 г, пиёзчалар сони 13 та ни ташкил этди. Ушбу клонлар Давлат нав синаш комиссиясига топширишга тайёрланмоқда.

6. Саримсоқ элита уруғчилигини ташкил этишда энг мақбул экиш муддати 1-10 сентябр ҳисобланади. Айнан шу муддатларда ҳосилдорлик, пиёзбош ва пиёзчалар вазни 20 ва 30 сентябрда экилганларга нисбатан юқори бўлди. Энг юқори умумий ҳосилдорлик 1-10 сентябрда экилганда кузатилди ва бу ўртача 24,3-25,4 т/га ни ташкил этди ва бу назорат вариантга нисбатан 3,8-8,5% кўп демакдир.

7. Элита уруғчилигини ташкил этишда саримсоқни экиш учун (40+15+15) х 10 см, (40+10+10+10) х 10 см схемалари энг мақбул деб топилди. Айнан шу экиш схемаларида катта ва сифатли пиёзбошлар ва пиёзчалар олинди. Ушбу экиш схемаларида умумий ҳосилдорлик 28,8-30,0 т/га ни ташкил этди ва назоратга нисбатан 2,3-4,1 т/га ёки 11,1-18,5% га юқори ҳосил олинди.

8. Илмий-тадқиқот муассасаларига саримсоқнинг юқори ҳосилдор, пиёзбошлари ва пиёзчалари катта бўлган эртапишар К-16, К-17, К-18, К-21, К-23, К-25, К-26, К-27 нав намуналари; пиёзбошлари яхши сақланадиган ўртапишар К-81 нав намунаси селекция ишларида бошланғич манба сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

9. Саримсоқнинг 2015 йилдан Давлат реестрига киритилган Чидамли навини экиш майдонларини кенгайтиришни тавсия этамиз.

10. Республиканинг барча ҳудудларида саримсоқ уруғчилиги билан шуғулланадиган фермер хўжаликларига (40+15+15) x 10 см, (40+10+10+10) x 10 см схемаларини қўллаш тавсия этилади.

11. Республиканинг жанубий ҳудудида саримсоқнинг элита уруғчилигини ташкил этишда 1-10 сентябр муддатида экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ОВОЩЕ-БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

САЛОМОВ БОХОДИР САЛОМОВИЧ

**СОЗДАНИЕ ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА ДЛЯ СЕЛЕКЦИИ И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ СЕМЕНОВОДСТВА
ЧЕСНОКА**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/Qx22.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте овоще-бахчевых культур и картофеля.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Арамов Музаффар Хошимович, доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Буриев Хасан Чутбаевич доктор биологических наук, профессор Рустамов Абдумалик Саттарович кандидат сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт растениеводства

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц. зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером № 537959). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки номер ____ от «__» _____ 2019 года)

Б.А. Сулаймонов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., академик

Я.Х. Юлдашов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., доцент

М.М. Адиллов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во многих странах мира чеснок издавна выращивается как растение с лечебными для человека свойствами. Чеснок (*Allium sativum* L.) принадлежит к семейству Луковых, родиной его является Центральная Азия. Окультуриванию чеснока более 6000 лет. В настоящее время в мире посевные площади чеснока составляют 1,438 млн. га, средняя урожайность - 16,9 т/га, валовый урожай - 24,255 млн.т. Наиболее крупными производителями чеснока являются Китай, Индия, Южная Корея, Египет. Высокая урожайность отмечена в Египте (25,2 т/га), Китае (24,7 т/га), Таджикистане (20,0 т/га)¹.

На сегодняшний день в мире проводятся множество исследований по созданию новых сортов чеснока (*Allium sativum* L.). В этих странах созданы новые сорта и внедряются современные технологии выращивания чеснока в производство. С учётом этого, зарубежные учёные работают над созданием сортов, устойчивых к болезням и неблагоприятным климатическим условиям, высокоурожайных, скороспелых, богатыми витаминами, а также пригодных для весенней и озимой культуры. Не уделялось должного внимания созданию новых сортов, совершенствованию технологии выращивания чеснока, в связи с этим, исследования в этом направлении имеют важное значение.

В нашей стране в настоящее время особое внимание уделяется расширению ассортимента овощных культур, в частности, созданию новых высокоурожайных сортов чеснока, усовершенствованию технологии элитного семеноводства. В принятом указе о стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. IV. Приоритетные направления развития социальной сферы, разделе 4.2. предусмотрены задачи по охране здоровья, организации здорового питания населения². Для выполнения этих задач является важным расширение ассортимента овощных культур путем интродукции.

Диссертационные исследования в определенной степени служат осуществлению задач, намеченных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2505 от 5 марта 2016 года «О мерах по дальнейшему развитию сырьевой базы, углублению переработки плодоовощных и мясных продуктов, повышению производства и экспорта продовольственных товаров» и в пункте 3.3. «Модернизация и ускоренное развитие сельского хозяйства» Указа Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг.», а также в нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

¹ Овощеводство в мире: производство основных овощных культур тенденция развития за 1993-2013 годы по данным ФАО. «Овощи России» М., 2015.

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

